

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЛАТИПОВА МАФТУНАХОН АББОС ҚИЗИ

**СЕМИЗЛИГИ БЎЛГАН ЁШЛАРДА ОВҚАТЛАНИШ ХУЛҚИ
МАРКЕРЛАРИНИНГ РОЛИ**

14.00.03 – Эндокринология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Латипова Мафтунахон Аббос кизи

Семизлиги бўлган ёшларда овқатланиш

хулқи маркерларининг роли..... 3

Латипова Матунахон Аббос кизи

Роль маркеров пищевого поведения у

молодых лиц с ожирением..... 25

Latipova Maftunakhon Abbos kizi

Role of markers eating behavior in

young individuals with obesity..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЛАТИПОВА МАФТУНАХОН АББОС ҚИЗИ

**СЕМИЗЛИГИ БЎЛГАН ЁШЛАРДА ОВҚАТЛАНИШ ХУЛҚИ
МАРКЕРЛАРИНИНГ РОЛИ**

14.00.03 – Эндокринология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib3122 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.endomarkaz.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайдарова Феруза Алимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимова Гулнара Нишановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиева Анна Валерьевна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: info@endomarkaz.uz).

Диссертация билан Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871)262-27-02.

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

З.Ю. Халимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.А. Мирсаидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Г.А. Алимухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда семизлик инсон организмнинг деярли барча тизимларига таъсир кўрсатадиган касаллик бўлиб, 2-тур қандли диабет, юрак-қон томир хасталиклари, гипертония ва инсульт, турли хил саратон шакллари, ҳамда рухий саломатлик муаммолари билан боғлиқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) 2022 йил 4 март — Бутунжаҳон семизликка қарши кураш кунига бағишланган маълумотларига кўра, дунё бўйлаб 1 миллиарддан ортиқ одам семизликдан азият чекади. Улардан 650 миллион нафари катталар, 340 миллион — ўсмирлар ва 39 миллион — болалардир. Ушбу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бормоқда. ЖССТ баҳолашларига кўра, 2025 йилга келиб 167 миллионга яқин киши — болалар ва катталар — ортиқча вазн ёки семизлик сабабли соғлиғида жиддий муаммоларга дучор бўлади. Семизлик кўпинча овқатланиш хулқ-атворининг бузилиши (ОХБ) билан боғлиқ бўлади ва бу ҳолатларни эрта босқичда аниқлаш жуда муҳим. Овқатланиш хулқ-атворининг бузилишлари (ОХБ) — бу кўп омилли сабабларга эга бўлган мураккаб ҳолатлардир. Америка психиатрия уюшмасининг Рухий касалликларнинг диагностик ва статистик қўлланмаси (DSM-5-TR) ҳамда ЖССТнинг Халқаро касалликлар классификацияси (МКБ-11) маълумотларига кўра, ОХБнинг асосий турларига анорексия, булимия ва мажбурий овқатланиш киради. Бу муаммолар дунё бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, COVID-19 пандемияси ушбу касалликларнинг кучайишига туртки берди.

Жаҳонда семизликнинг эндокрин, метаболик ва психосоциал оқибатлари, шунингдек овқатланиш хулқ-атворининг бузилишлари билан боғлиқ ҳолатлар бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада гипоталамик нейропептидлар — Орексин А ва Нейропептид Y даражаларидаги ўзгаришлар, уларнинг иштаҳа, энергия алмашинуви ва рухий ҳолатни бошқаришдаги аҳамияти, шунингдек семизлик ҳамда ОХБ патогенезидаги клиник ролига оид тадқиқотларга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, семизликни олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «....бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда семизликни барвақт аниқлаш, касалликнинг ривожланиш омилларини ўрганиш ва унинг болалар ҳамда катталардаги асоратларини камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2022 йил 26 январдаги ПФ–102-сон «Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва унинг кўламларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 19 апрелдаги ПФ–4295-сон «2019–2021 йилларда Республика аҳолисига эндокринологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги ПФ–4063-сон «Ноинфекцион касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли жисмоний фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ–5124-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқотреспублика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охирги ўн йилликларда тадқиқотчилар томонидан ёшлардаги семизлик нафақат метаболик бузилишлар, балки хулқ-атвор ва нейрогуморал ўзгаришлар билан кечиши ҳам тобора кўпроқ таъкидланмоқда. Овқатланиш хулқининг турли шакллари — экстернал, эмоциоген ва чекловчи турлари — учта асосий психологик назария доирасида тавсифланган: психосоматик назария (Bruch Н., 1973), экстерналлик назарияси (Schachter S., 1968) ва чекловчи назария (Herman С.Р., 1975). Ушбу назарий концепциялар асосида ишлаб чиқилган Голландия овқатланиш хулқ-атвори сўровномаси (DEBQ) турли мамлакатлар ва маданиятларда валидизация қилинган (van Strien Т. и бошқалар, 1986; Camilleri G.M. и бошқалар, 2014; Wardle J., 1992). Ҳозирги замонавий тадқиқотлар шундан далолат берадики, семизлик билан оғриган беморларда овқатланиш хулқ-атворининг бузилиши (ОХБ) марказий асаб тизими даражасида иштаҳа назоратининг бузилиши билан боғлиқ. Бу жараёнда гипоталамус нейропептидлари, жумладан Орексин А ва Нейропептид Y муҳим рол ўйнайди. Орексин А овқатланиш хулқининг мотивацион компонентларини шакллантириш, уйку ҳолати ва эмоционал ҳолатни тартибга солишда иштирок этади (Sakurai Т., 1998; Winsky-Sommerer R., 2004). Нейропептид Y эса кучли иштаҳа стимуляторларидан бири бўлиб, айниқса стресс ҳолатларида адаптив ва патологик овқатланиш шакллариининг ривожланиши билан боғлиқ (Zhang L. и бошқалар, 2011; Kalra S.P., 2009).

Ўзбекистонда семизлик ва унинг нейроэндокрин механизмлари қатор олимлар томонидан ўрганилган (Халимова З.Ю., Наримова Г.Д., 2013; Азимова Ш.Ш., Алимова Н.У., 2009; Шагазатова Б.Х., Адилова Н.Ш., 2022;

Юлдашева Н.Х., 2023; Хайдарова Ф.А., Алиева А.В., 2023), бироқ, мавжуд илмий тадқиқотларда алиментар-конституционал семизликка эга ёш шахсларда овқатланиш хулқ-атвори бузилишларининг ривожланишида гипоталамик нейропептидларнинг ўрнига етарлича эътибор қаратилмаган. Шу тариқа, мавжуд халқаро ва миллий илмий ишларга қарамасдан, Орексин А ва Нейропептид Y каби нейропептид биомаркерларини қўллаган ҳолда ОХБни дифференциал ташхислаш масалалари ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Бу эса ушбу тадқиқотнинг ёш семиз беморларда овқатланиш хулқ-атворига оид ташхисий аҳамиятга эга бўлган предикторларни аниқлаш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган (2022-2025 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади семизлиги бўлган ёшларда овқатланиш хулқ-атвори бузилишларининг ривожланишида метаболик бузилишларни эрта ташхислашда Орексин А ва Нейропептид Y гипоталамик маркерларининг ролини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистоннинг тажриба ҳудудлари - Самарқанд, Жиззах, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида семизлиги бўлган ёшлар ўртасида овқатланиш бузилишларининг частотасини аниқлаш;

семизлиги бўлган ёшларда овқатланиш бузилишларининг хусусиятларини баҳолаш;

семизлиги бўлган ёшларда клиник ва метаболик ўзгаришларнинг хусусиятларини баҳолаш;

Орексин А ва нейропептид Y нинг семизлиги бўлган ёшларда овқатланиш бузилишларининг ривожланишидаги ролини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида овқатланиш бузилишлари ва турли даражадаги семизлик ташхиси қўйилган ёшлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий ва гормонал текширувлар учун қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда антропометрик, биокимёвий, гормонал, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон Республикасининг тажриба ҳудудларининг (Тошкент шаҳри, Самарқанд, Жиззах, Андижон вилоятлари) ёш аҳолиси ўртасида алиментар-конституционал семизлиги бўлган шахслар орасида овқатланиш хулқ-атворининг бузилиши (ОХБ) частотаси бўйича популяцион таҳлили асосида психоэмоционал ва антропометрик хавф кластерларини ажратиш имконини берадиган аёлларда чекловчи ва эмоционал овқатланиш хулқ-атвори, эркакларда эса ташқи таъсирга берилувчан тури каби гендер фарқлар аниқланган;

илк бор DEBQ номли голланд сўровномаси ва Занг хавотирини ўз-ўзини баҳолаш шкаласидан фойдаланиб, ОХБ феноменологиясини ҳар томонлама баҳолаш асосида овқатланиш хулқ-атвори (чекловчи, эмоциоген, экстернал) турларидаги фарқлар ва уларнинг психосоматик ва биокимёвий белгилар билан боғликлиги аниқланган;

семизликка чалинган ёш беморларда ОХБнинг муайян турларини ривожланиш хавфини аниқлаш имконини берадиган патологик овқатланиш хулқ-атвори шаклланишининг хавотирланиш даражаси, тана вазни индекси, инсулинга чидамлилиқ ва липидлар алмашинувидаги ўзига хос ўзгаришлар каби асосий психоэндокрин предикторлар асосланган;

илк бор овқатланиш хулқ-атворининг турли кўринишларида ОХБнинг эмотсиоген ва чекловчи турларини аниқлашда танлаб таъсир этувчанлигини кўрсатадиган гипоталамик нейропептидлари Орексин А ва Нейропептид Y нинг юқори диагностик ва прогностик аҳамияти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бирламчи босқичда семиз ёшларда овқатланиш хулқ-атвори турларини самарали аниқлаш имконини берадиган Ўзбек тилидаги ДЕБҚ сўровномаси ва Занг хавотир шкаласини ўз ичига олган скрининг диагностика воситаси ишлаб чиқилган;

психоэмоционал хусусиятларни метаболик профиль ва нейропептид маркерлар даражаси билан таққослашга асосланган ОХБ билан оғриган беморларнинг хавфини баҳолаш ва клиник йўналишини белгилаш усули таклиф этилган;

клиник амалиётда илк бор овқатланиш хулқи бузилишига шубҳа туғилганда диагностик сезувчанликни оширувчи биологик кўрсаткичлар сифатида қон зардобидеги Орексин А ва Нейропептид Y миқдорини аниқлаш тавсия этилган;

услубий материаллар, жумладан, мослаштирилган сўровнома, хавотир шкаласи ва ОХБ ни эрта аниқлаш алгоритми амалиёт шифокорлари учун услубий тавсиялар шаклида расмийлаштирилди ва Ўзбекистон Республикаси эндокринология хизмати тузилмасида минтақавий даражада кенг жорий этиш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник-анамнестик, морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий, клиник, инструментал ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, қизилўнгач аномалияларини клиник-анамнестик, морфологик жиҳатларини ўрганиш, касалликларни клиник-анамнестик ва патоморфологик ўзгаришларини такомиллаштиришда халқаро, ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор семизлиги бўлган ёшларда турли

хил овқатланиш хулқ-атвори бузилишларининг ривожланишида гипоталамик нейрорептидлар - Орексин А ва Нейрорептид Y нинг роли асосланган, ушбу нейрорептидлар даражаси ва овқатланиш хулқ-атворининг экстернал, чекловчи ва эмоциоген турларининг ифодаланиши ўртасида статистик жиҳатдан муҳим боғлиқлик аниқланган, бу эса овқатланиш фаоллигини тартибга солишнинг нейрорендокрин механизмлари ҳақидаги замонавий тушунчаларни кенгайтириши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Орексин А ва Нейрорептид Y даражасини аниқлаш ортиқча тана вазни ва семизлиги бўлган одамларда овқатланиш хулқ-атворининг бузилишларини қиёсий ташхислашда, айниқса овқатланиш хулқ-атворининг патологик шаклланишининг дастлабки босқичларида қўшимча восита сифатида қўлланилиши мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Овқатланиш хулқ-атвор бузилиши билан оғриган беморларни ўз вақтида ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор Ўзбекистон Республикасининг тажриба худудларининг (Тошкент шаҳри, Самарқанд, Жиззах, Андижон вилоятлари) ёш аҳолиси ўртасида алиментар-конституционал семизлиги бўлган шахслар орасида овқатланиш хулқ-атворининг бузилиши (ОХБ) частотаси бўйича популясион таҳлили асосида психоэмоционал ва антропометрик хавф кластерларини ажратиш имконини берадиган аёлларда чекловчи ва эмоционал овқатланиш хулқ-атвори, эркакларда эса ташқи таъсирга берилувчан тури каби гендер фарқлар аниқланганлиги академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 12 декабрда 44-сон билан тасдиқланган «Семизлиги бўлган ёшларда овқатланиш хулқ-атвори бузилишларини эрта аниқлаш учун халқаро DEBQ сўровномаси ва Занг хавотирини ўзини ўзи баҳолаш шкаласини жорий этиш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Навоий вилояти эндокринология диспансери бўйича 15.12.2023 йилдаги 67/1-сон ҳамда академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали бўйича 22.07.2024 йилдаги 26-и-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги 18-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўтказилган тадқиқотлар туфайли семизлик ва овқатланиш хулқи бузилиши билан оғриган беморларни аниқлаш имконияти кўрсатилди, бу умуман олганда даволаш самарадорлигини оширади ва барқарор таъсирга эришади. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 5,5 млн. сўмдан 7,5 млн. сўмгача бюджет маблағлари семизлик билан оғриган беморларни скрининг қилишда овқатланиш бузилишининг турини аниқлашга имкон берадиган махсус Голландия DEBQ сўровномаси ва Занг хавотирини ўзини ўзи баҳолаш шкаласини қўллаш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: илк бор DEBQ номли голланд сўровномаси ва Занг хавотирини ўз-ўзини баҳолаш шкаласидан фойдаланиб, ОХБ феноменологиясини ҳар томонлама баҳолаш асосида овқатланиш хулқ-атвори (чекловчи, эмотсиоген, экстернал) турларидаги фарқлар ва уларнинг психосоматик ва биокимёвий белгилар билан боғликлиги аниқланганлиги академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 12 декабрда 44-сон билан тасдиқланган «Семизлиги бўлган ёшларда овқатланиш хулқ-атвори бузилишларини эрта аниқлаш учун халқаро DEBQ сўровномаси ва Занг хавотирини ўзини ўзи баҳолаш шкаласини жорий этиш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Навоий вилояти эндокринология диспансери бўйича 15.12.2023 йилдаги 67/1-сон ҳамда академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали бўйича 22.07.2024 йилдаги 26-и-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги 18-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: семизлиги бўлган ёш беморларни текширишда Голландиянинг DEBQ сўровномаси ва Занг хавотирини ўзини ўзи баҳолаш шкаласидан фойдаланиш ОХБ турини (чекловчи, эмоционал ва экстернал турлари) аниқлашга имкон беради, шунга қараб патогенетик жиҳатдан асосланган даволаш амалга оширилади. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 5,5 млн. сўмдан 15 млн. сўмгача бюджет маблағлари семизлиги бўлган ёшларда ОХБ хусусиятларини баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари беморларнинг ўз касалликлари тўғрисида хабардорлик даражасини ошириш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: семизликка чалинган ёш беморларда ОХБнинг муайян турларини ривожланиш хавфини аниқлаш имконини берадиган патологик овқатланиш хулқ-атвори шаклланишининг хавотирланиш даражаси, тана вазни индекси, инсулинга чидамлилиқ ва липидлар алмашинувидаги ўзига хос ўзгаришлар каби асосий психоэндокрин предикторлар асосланганлиги академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 12 декабрда 44-сон билан тасдиқланган «Семизлиги бўлган ёшларда овқатланиш хулқ-атвори бузилишларини эрта аниқлаш учун халқаро DEBQ сўровномаси ва Занг хавотирини ўзини ўзи баҳолаш шкаласини жорий этиш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Навоий вилояти эндокринология диспансери бўйича 15.12.2023 йилдаги 67/1-сон ҳамда академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали бўйича 22.07.2024 йилдаги 26-и-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 5- майдаги 18-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: семизлик билан оғриган беморларга хос бўлган

патологик овқатланиш хулқ-атворининг шаклланиши учун башорат қилувчи омиллар сифатида намоён бўладиган энг муҳим омиллар биринчи марта аниқланган. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 5,5 млн. сўмдан 15 млн. сўмгача бюджет маблағлари семизлиги бўлган ёшларда ОХБ хусусиятларини баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари амалий соғлиқни сақлашга жорий этилди. Бемор тўғри даволаш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: илк бор овқатланиш хулқ-атворининг турли кўринишларида ОХБнинг эмотсиоген ва чекловчи турларини аниқлашда танлаб таъсир этувчанлигини кўрсатадиган гипоталамик нейропептидлари орексин А ва нейропептид Y нинг юқори диагностик ва прогностик аҳамияти аниқланганлиги академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 12 декабрда 44-сон билан тасдиқланган «Семизлиги бўлган ёшларда овқатланиш хулқ-атвори бузилишларини эрта аниқлаш учун халқаро DEBQ сўровномаси ва Занг хавотирини ўзини ўзи баҳолаш шкаласини жорий этиш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Навоий вилояти эндокринология диспансери бўйича 15.12.2023 йилдаги 67/1-сон ҳамда академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали бўйича 22.07.2024 йилдаги 26-и-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги 18-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: қондаги Орексин А ва Нейропептид Y маркерларини баҳолаш орқали овқатланиш хулқ-атвори бузилишини эрта ташхислаш, турли даражадаги семизлиги бўлган ёш беморларда патогенетик даражада ҳам семизликни, ҳам ҳиссий бузилишларни ўз вақтида консерватив даволашни амалга оширишга имкон беради ва шу билан даволаш самарадорлигини оширади. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 15 млн. сўмгача бюджет маблағлари семизлиги бўлган ёшларда қондаги орексин А ва нейропептид Y гипоталамик маркерларини комплекс баҳолаш амбулатор даволаш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ҳамда технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги тақдим этилган, ишнинг амалий натижалари, уларнинг илмий-амалий аҳамияти ва амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Овқатланиш хулқ-атвори бузилишлари масаласининг замонавий ҳолати. Этиологияси, патогенези, клиник ва диагностик жиҳатлари”** деб номланган адабиётлар шарҳи бўлиб, ёшлар ўртасида ортиқча вазн ва овқатланиш бузилишларининг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, этиологик ва патогенетик жиҳатлар, шу жумладан Орексин А ва Нейропептид У нейропептидларининг роли кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усулларининг клиник тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари, материаллар ҳажми ва беморларнинг тавсифи, баҳолаш усуллари тавсифланган. Тадқиқот 2022-2024 йилларда Ўзбекистоннинг тўртта тажриба худудида: Самарқанд, Жиззах, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилди. Тадқиқотга 18 ёшдан 44 ёшгача бўлган 1200 нафар алиментар-конституционал касалликка чалинган беморлар киритилган.

Қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ мазкур тадқиқот уч босқичда амалга оширилди.



1-расм. Тадқиқот дизайни

Биринчи босқичда овқатланиш хулқ-атворининг бузилишини (ОХБ) аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг тажриба ҳудудларида 1200 нафар респондент ўртасида сўровнома ўтказилди. Баҳолаш учун мослаштирилган сўровномадан фойдаланилди, унинг натижаларига кўра чуқурлаштирилган текширув учун ОХБ белгилари бўлганлар танлаб олинди.

Иккинчи босқичда беморларни Голланд овқатланиш хулқ-атвори сўровномаси (DEBQ) асосида ОХБ турлари бўйича тақсимлаш амалга оширилди. Бундан ташқари, ташвиш ва Занг депрессияси шкаласи ёрдамида ёндош психоэмоционал бузилишлар мавжудлиги баҳоланди. Тадқиқот натижаларига кўра, барча иштирокчилар уч гуруҳга бўлинди:

- чекловчи тур, • экстернал тур, • эмотсионоген тур.

Учинчи босқичда учта гуруҳ орасида глюкоза, умумий холестерин, триглицеридлар, ЮЗЛП, ПЗЛП, ЖЮЗЛП, инсулин, шунингдек, нейропептидлар - Орексин А ва Нейропептид У даражасини ўрганишни ўз ичига олган лаборатория тадқиқотлари ўтказилди.


Статистик таҳлил.

Олинган маълумотлар Microsoft Excel ва STATISTICA_27 компьютер дастурлари ёрдамида қайта ишланди. Миқдорий кўрсаткичлар учун тавсифий статистика усуллари қўлланилди: ўртача қийматлар, стандарт хатолар, шунингдек, 95% ишонч оралиқлари ҳисоблаб чиқилди. Фарқларнинг статистик аҳамияти Вилкоксон мезони ($p > 12$ учун) ва Фишер-Ирвиннинг аниқ мезони (сифат кўрсаткичлари учун) ёрдамида баҳоланди. Аҳамиятлилиқ даражаси $p < 0,05$ га тенг деб қабул қилинди. Ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларни баҳолаш учун коррелятсион таҳлилдан (Пирсон бўйича) фойдаланилди. Нейропептидлар даражасининг прогностик қиймати РОС таҳлили ёрдамида аниқланди, бунда сезувчанлик, ўзига хослик ва эгри чизик остидаги майдон (АУС) баҳоланди, шунингдек, тегишли ишонч оралиқлари ҳисоблаб чиқилди. Орексин А ва Нейропептид У даражасининг овқатланиш хулқ-атворининг бузилиш турларига таъсирини баҳолаш статистик жиҳатдан аниқлашга имкон берган кўп синфли логистик регрессия ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқотнинг мақбул ҳажмини аниқлаш махсус онлайн калькуляторлардан (масалан, <https://scanmarket.ru/blog/vyborka-razmer-neglavnoe-ili-glavnoe>) фойдаланиб, муҳимлик даражаси (Z), белгининг тахминий улуши (p) ва йўл қўйиладиган хато (E) ни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Шахсий тадқиқотлар натижалари”** деб номланган.

Биринчи кичик бўлимда **“Ўзбекистон Республикасининг тажриба ҳудудларида (Самарқанд, Жиззах, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри) ижтимоий-демографик ва антропометрик хусусиятларни баҳолаш”** берилган. Эпидемиологик текширув 18-40 ёшдаги 1200 кишини қамраб олди.

2-расмда текширилган шахсларнинг ҳудудлар бўйича тақсимоти:



2-расм. Текширилган шахсларнинг ҳудудлар бўйича тақсимооти

1-жадвалда текширилган шахсларнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари келтирилган.

1-жадвал

Текширилган шахсларнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Умумий тавсиф n=1200	Ортиқча вазн n=446		Семизлик n=754	
		Эркак n=225	Аёл n=221	Эркак n=461	Аёл n=293
Ёши ($M \pm m$)	34,3±6,53	31,69±2,13	33,60±1,14**	32,51±1,14	34,51±5,42**
Регион					
Жиззах	250 (20,83%)	55 (22,0%)*	44 (17,6%)	90 (36,0%)**	61 (24,4%)
Самарқанд	300 (25%)	55 (18,3%)	68 (22,6%)	102(34,0%)**	75 (25,0%)
Андижон	150(12,5%)	30 (20,0%)**	21 (14,0%)	53 (35,5%)*	46 (30,6%)
Тошкент	500 (41,67%)	85 (17,0%)	88 (17,6%)	216 (43,2%)*	111(22,2%)
Таълим даражаси (маълумоти)					
Олий	997 (83,1%)	187 (18,8%)*	120 (12%)	410 (41,1%)*	280 (28,1%)
Ўрта махсус	203 (16,9%)	44 (21,6%)*	52 (25,6%)	82 (40,3%)*	30 (14,7%)

Изоҳ: *** – $p < 0,001$; ** – $p < 0,01$; * – $p < 0,05$

Жадвалда иштирокчиларнинг демографик хусусиятлари ва ҳудудлар, жинс, вазн тоифалари ва таълим даражаси бўйича тақсимланиши келтирилган. Текширилганларнинг умумий сони 1200 кишини ташкил этди. Респондентларнинг ўртача ёши 34,3±6,53 ёшни ташкил этди. Ортиқча тана вазнига эга бўлган эркаклар ёшроқ (31,69±2,13 ёш), семизлиги бўлган аёллар эса сезиларли даражада юқори ёшга эга эди (34,51±5,42 ёш, $p < 0,01$). Худудий тақсимот таҳлили шуни кўрсатдики, семизлиги бўлган шахсларнинг энг катта улуши Тошкент (43,2% эркаклар ва 22,2% аёллар, $p < 0,001$) ва Самарқанд (34,0% эркаклар ва 25,0% аёллар, $p < 0,01$) шаҳарларида кузатилган. Андижонда ҳам юқори кўрсаткичлар қайд этилди, айниқса семиз аёллар орасида (30,6%, $p < 0,05$). Таълим даражаси бўйича текширилганларнинг аксарияти (83,1%) олий маълумотга эга эканлиги аниқланди. Улар орасида

семиз эркаклар 41,1% ($p<0,001$), аёллар эса 28,1% ни ташкил этди. Ўрта маълумотли шахсларда семизлик эркакларда кўпроқ учради (42,7%, $p<0,001$).

Тадқиқот давомида жинси бўйича ажратилган ортиқча вазнли ва семиз беморларда асосий антропометрик кўрсаткичлар ва қон босими кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

2-жадвал

Беморларни антропометрик текшириш натижалари

Кўрсаткичлар	Ортиқча вазн		Семизлик	
	Эркак n=225	Аёл n=221	Эркак n=461	Аёл n=293
Me (Q1;Q3)				
Бўй, см	174,7 (167; 181)	169,7 (164; 180)	168,6 (162; 170)**	164,6 (158; 168)*
Тана вазни, кг	84,4 (80; 98)	78,4 (70; 92)	96,8 (94; 115)***	92,5 (90; 127)***
Тана индекс массаси, кг/м ²	27,7 (26,5; 29,9)	27,1 (25,2; 28,4)	34,1 (32,9; 38,0)***	34,2 (31,5; 40,8)***
Бўйин айланаси, см	35 (34; 39)	34,5 (33; 38)	35,5 (35; 40,2)	35,5 (32; 43)*
Бел айланаси, см	97,3 (88; 110)	95,2 (90; 110)	120 (95; 128)**	118 (96; 126)**
Тос айланаси, см	96,2 (95; 102)	95,6 (94; 118)	113 (111; 118)*	114,8 (107; 120)*
Индекси БА/ТА	1,02 (0,89 1,07)	1,0 (0,90; 0,93)	1,03 (1,05; 1,08)*	1,02 (0,97; 1,05)*
САБ, мм. см. уст.	119,8 (120; 135)	118,5 (115; 130)	130,6 (113; 140)*	135 (128; 145)*
ДАБ, мм. см. уст.	77,8 (75,7; 90)	77,7 (75,8; 90)	84 (80; 90)*	90 (80; 90)*


Изоҳ: *** – $p<0,001$; ** – $p<0,01$; * – $p<0,05$

2-жадвал маълумотларига кўра, семизлик билан оғриган беморларда ортиқча вазнга эга бўлган шахсларга нисбатан антропометрик параметрларнинг статистик жиҳатдан сезиларли фарқлари қайд этилган. Семиз эркакларда ўртача бўй пастроқ (168,6 см га қарши 174,7 см, $p<0,01$), худди шундай аёлларда ҳам (164,6 см га қарши 169,7 см, $p<0,05$). Ўртача тана вазни ва тана вазни индекси (ТВИ) семизлик гуруҳида сезиларли даражада юқори бўлган: эркакларда - 96,8 кг ва 34,1 кг/м²; аёлларда - 92,5 кг ва 34,2 кг/м² (барча кўрсаткичлар учун $p<0,001$). Бел, сон ва бўйин айланаси кўрсаткичлари ҳам семизлик гуруҳида сезиларли даражада юқори бўлди, бу ёғ тўпланишининг абдоминал тури устунлигини кўрсатади. Семизликнинг висцерал характерини ва метаболик бузилишларнинг юқори хавфини кўрсатадиган иккала жинсдаги семизлик билан оғриган одамларда ОТ/ОБ индекси ошди ($p<0,05$). Семизлик билан оғриган беморларда систолик ва диастолик қон босимининг юқори кўрсаткичлари ($p<0,05$) қайд этилди, бу ортиқча тана вазни ва юрак хавфи ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлайди.

Семиз ёшлар орасида овқатланиш хулқ-атворининг бузилишини аниқлаш учун “Овқатланиш бузилишларини эрта ташхислаш сўровномаси” ўтказилди. (3-расм)


Овқатланиш хулқ-атвори бузилишларини (ОХБ) аниқлаш учун 1200 нафар респондент ўртасида овқатланиш одатларини учта даража бўйича

таснифлаш имконини берувчи омил таҳлили билан "Овқатланиш хулқ-атвори бузилишларини эрта ташхислаш сўровномаси"дан фойдаланилди: меъёр, чегара ҳолати ва яққол бузилишлар кўрсатилган. (3-расм)



3-расм. Овқатланиш бузилишларини эрта ташхислаш сўровномаси натижалари бўйича респондентлар орасида овқатланиш хулқ-атворининг бузилиш кўрсаткичлари (Exploratory Factor Analysis (EFA))

Меъёр тоифасига омил юкламаси 0,05 дан 0,40 гача бўлган жавоблар киритилди, бу сезиларли оғишлар йўқлигини кўрсатади. Ушбу гуруҳга 350 нафар иштирокчи (29,2%) киритилган. Овқатланиш хулқи бузилишининг шаклланиши хавфини акс эттирувчи чегара чизиғи (0,40-0,60 юклама) 650 кишида (54,2%) аниқланди. Овқатланиш хулқ-атворининг яққол бузилиши (юклама 0,70 дан юқори) бўлган гуруҳга 200 нафар респондент (16,6%) киритилган.



4-расм. Респондентларнинг овқатланиш хулқ-атвори ҳолати бўйича тақсимои (% да)

**Ўзбекистон ҳудудлари бўйича ёшлар ўртасида овқатланиш
бузилишларининг тақсимланиши**

Ҳудуд	Текширилганларнинг умумий сони (n, %)	Норма, n (%)	Чегара чизиғи, n (%)	Овқатланиш хулқининг бузилиши, n (%)
Тошкент	500 (41,7%)	90 (18,0%)	326 (65,2%)	84 (16,8%)
Самарқанд	300 (25,0%)	62 (20,7%)	160 (53,3%)	78 (26,0%)*
Жиззах	250 (20,8%)	98 (39,2%)*	132 (52,8%)	20 (8,0%)*
Андижон	150 (12,5%)	100(66,7%)*	32(21,3%)*	18 (12,0%)*
Жами:	1200 (100%)	350 (29,2%)	650 (54,2%)	200 (16,6%)


*** – $p < 0,001$; ** – $p < 0,01$; * – $p < 0,05$

Овқатланиш хулқ-атворини баҳолаш шуни кўрсатдики, бузилишларнинг энг катта улуши Самарқандда (26,0%) қайд этилган, бу танланма бўйича ўртача кўрсаткичдан (16,7%) юқори. Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 16,8 фоизни, Жиззах ва Андижонда мос равишда 8,0 ва 12,0 фоизни ташкил этди.

Меъёрий овқатланиш хулқ-атворига эга бўлган шахсларнинг минимал улуши Тошкент (18,0%) ва Самарқандда (20,7%) қайд этилган; энг катта улуш эса Андижонда (66,7%) кузатилган.

Текширилганларнинг ярмидан кўпида (54,2%) чегара шакллари аниқланган, бу овқатланиш хулқ-атвори бузилишининг эрта профилактикасининг долзарблигини таъкидлайди.

Иккинчи кичик бобда “Овқатланиш хулқи бузилиши бўлган ёшларнинг тадқиқот гуруҳларида Голландия овқатланиш хулқ-атвори сўровномаси (DEBQ) ва Депрессив ҳолатни баҳолаш шкаласи (Занг) сўровномалари натижаларининг тавсифи” келтирилган.




**5-расм. Голландия овқатланиш хулқ-атвори сўровномаси (DEBQ)
таҳлили Confirmatory Factor Analysis (CFA)**

DEBQ натижаларига асосланган фактор таҳлили овқатланиш хулқ-атворининг уч турини тасдиқлади:

Чекловчи овқатланиш хулқи — вазни назорат қилиш мақсадида овқат қабул қилишни онгли равишда чеклаш билан тавсифланади. Энг юқори фактор юкламалари (0,67–0,77) овқат миқдорини чеклаш ва тана вазни ҳақида хавотирни акс эттирувчи саволларга тўғри келган.

Экстернал овқатланиш хулқи — очлик ҳиссига боғлиқ бўлмаган ҳолда ташқи омилларга (овқатнинг ҳиди, кўриниши ва ҳ.к.) жавоб сифатида намоён бўлади. Бу турда фактор юкламалари 0,66–0,73 оралиғида бўлган.

Эмоциоген овқатланиш хулқи — стресс, хавотир, ёлғизлик каби салбий ҳиссиётларга жавоб сифатида намоён бўлади. Энг юқори фактор юкламалари (0,86–0,95) овқат қабул қилишнинг салбий эмоционал ҳолатлар билан боғлиқлигини ифода этувчи саволларда аниқланган. Респондентлар орасида овқатланиш хулқ-атвори турларининг тақсимотини таҳлил қилиш натижасида жинсий фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлиги аниқланди ($p < 0,05$). Бу ҳолат ОХБ ни аниқлаш ва тузатишда индивидуал ёндашув зарурлигини алоҳида таъкидлайди.



6-расм. Респондентлар орасида овқатланиш хулқ-атвори бузилиш турларининг тақсимоти * — $p < 0,001$; ** — $p < 0,01$ * — $p < 0,05$**

Респондентлар орасида овқатланиш хулқ-атвори турларининг тақсимотини таҳлил қилиш натижасида жинсий фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлиги аниқланди ($p < 0,05$). Бу ҳолат ОХБни аниқлаш ва тузатишда индивидуал ёндашув зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Овқатланиш хулқ-атвори бузилишининг (ОХБ) турли типларининг депрессив бузилишлар ривожланиш хавфига таъсирини баҳолаш учун кўп омилли логистик регрессион таҳлил ўтказилди (4-жадвал). Депрессиянинг энг муҳим предиктори овқатланиш хулқ-атворининг эмотсиоген тури бўлиб чиқди: ёлғиз ижтимоий мақом депрессия хавфини икки баравардан кўпроқ оширди ($OR = 2,10$), семизлик ва ортиқча вазн ҳам юқори хавф билан боғлиқ эди (мас равишда $OR = 1,60$ ва $OR = 1,30$). Шунга ўхшаш, аммо камроқ ифодаланган ассоциациялар чекловчи ($OR = 1,96$) ва ташқи ($OR = 1,93$) турлар учун ўрнатилган. Жинси, ёши, маълумот даражаси ва жисмоний фаоллиги статистик жиҳатдан аҳамиятли таъсир кўрсатмади.

4-жадвал

Турли хил овқатланиш хулқ-атвори бузилишларининг депрессия ривожланишига таъсирини баҳолаш учун кўп омили регрессия (ОШ(95%ДИ))

Фактор	Чекловчи	Экстернал	Эмоциоген
Жинс (Аёл)	1,09 (0,72–1,62)	1,05 (0,70–1,56)	1,25 (0,80–1,85)
Ёши	1,01 (1,00–1,03)	1,01 (1,00–1,03)	1,01 (1,00–1,03)
Ортиқча вазн	1,48 (1,08–2,03)*	1,40 (1,05–1,85)*	1,60 (1,15–2,23)
Семизлик	1,16 (0,76–1,78)	1,10 (0,72–1,68)	1,05 (0,70–1,58)
Жисмоний фаоллик (ўрта) (паст)	1,00	0,90 (0,55–1,47)	0,95 (0,60–1,50)
	1,00	0,75 (0,45–1,22)	0,80 (0,50–1,25)
Маълумоти (олий) (ўрта)	1,00	0,88 (0,59–1,33)	0,85 (0,55–1,28)
	1,00	0,68 (0,41–1,13)	0,75 (0,50–1,10)
Чекиш (ха)	1,00	0,88 (0,56–1,37)	0,90 (0,58–1,40)
Ижтимоий мақоми (ёлғиз)	1,96 (1,26–3,06)*	1,93 (1,24–3,01)*	2,10 (1,40–3,10)
Турар жой шароитлари (шаҳар)	1,45 (0,95–2,22)	1,47 (0,97–2,22)	1,55 (1,05–2,28)

*** — $p < 0,001$; ** — $p < 0,01$ * — $p < 0,05$

5-жадвал

Занг шкаласи бўйича олинган маълумотларни DEBQ сўровномаси натижалари билан таққослаш

Депрессия категорияси	Чекловчи тур	Экстернал тур	Эмоциоген тур
Меъёрий ҳолат (20-49 балл)	14 (40%)*	24 (25%)	14 (20%)
Енгил депрессив бузилишлар (50-59 балл)	10 (30%)	38 (40%)*	18 (25%)
